

ТИЛШУНОСЛИК ИЛМИНИНГ ЕТУК ДАРҒАСИ



Агар илм оламини бир уммонга қиёслайдиган бўлсак, олимлар шу уммон тубидан дур терувчи ғаввослардир. Улар қанча чуқур шўнғисалар, шунча кўп дуру жавоҳир терадилар. Ҳар бир олим ҳам ҳаёти давомида ўргангандиши билимлари, яратган асарлари, тарбиялаган шогирдлари билан илм-фан ривожига ҳисса қўшади. Филология фанлари доктори, профессор Аюоб Гуломов ҳам тилшунослик илмида ёрқин из қолдириган олимлардан ҳисобланади.

Аюоб Гуломов ўзбек тилшунослик илмига тамал тошини қўйган мутахассислардан

биридир. Унинг кенг дунёқараши, теран илмий мушоҳадалари, самимий ва содда лутфи илм қилишга иштиёқи бўлганларни оҳанрабодек ўзига тортарди. Тилшунослик илми билан шуғилланишга жазм қилган ҳар бир тадқиқотчи, устознинг қизиқарли маъruzalарини тинглаб, beminnat маслаҳатларидан баҳраманд бўлиб, яратган асарларини ўқиб-ўрганиб етук мутахassis бўлган десак, муболага бўлмайди.

Аюоб Гуломовнинг шогирдларидан бири, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби, филология фанлари доктори, профессор Ш. Раҳматуллаев устозини шундай эслайди: “Мен аслида адабиётга қизиқар эдим. Бир куни устоз Аюоб Гуломов маъруза ўқишига кирди. Унинг қизиқарли, маҳорат билан ўқиган маъruzalari, ҳар бир талабанинг эътиборини ўзига тортиб, тилшунослик илмига меҳр уйғотарди. Домла маъruzalariда илмий адабиётлардан ниҳоятда кўп иқтибос келтириши, тингловчиларни мунозарага торта олиши, мушоҳадага чорлаши, хуллас, ўз соҳасининг ўткир мутахassisи эканлиги билан менинг тилшунослик соҳасини танлашимга сабаб бўлганди”.

Аюоб Гуломов бизга ҳам маъруза ўқиган. Устознинг тилшунослик бўйича маҳсус курсини икки марта тинглаганман. Биринчи марта Тошкент давлат университети, ўзбек филология факультетининг 5-курсида ўқиб юрган кезларим, иккинчи марта малака оширишга борган пайтимда. Энг қизиги, иккинчи марта тинглаган маъruzam биринчисининг давомидек эди. Аюоб Гуломовнинг билимдонлиги, дарс ўтиш маҳорати, талabalар билан муносабатини кўриб, устознинг ўша пайтлардаёқ ҳозирги замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдаланганлигига амин бўламан. Домла

дарсда бошқарувчи ёки фақат тингловчи эмас, балки бажарувчи вазифасини адо этарди. Шунинг учун дарсда ҳеч ким бефарқ ўтира олмасди. Устоз ҳаммани фикрлашга, баҳс-мунозарада иштирок этишга ундар ва албатта, олдига қўйган мақсадга эришарди. Ҳалигача унинг хотираси, мантиқий мушоҳадаси, ҳаётий мисоллар билан илгари суроётган ғояни асослашига тан бераман. Маъruzalарида мавзуга тааллуқли илмий адабиётлардан ниҳоятда кўп иқтибос келтирас, уларга тингловчиларнинг муносабатини, ўзи ёқлаётган фикрга нима учун қўшилаётгани ёки аксинча, маъқулламаслигининг сабабини сўради. Бу усул у ёки бу мавзу бўйича айтилган фикрларни кўр-кўрона қабул қилмай, балки уларни таҳлил қилиш орқали асослаб, саргини саракка, пучагини пучакка ажратишга ўргатар эди. Айниқса, мен ҳар доим устознинг иқтибосни айнан келтиришига қойил қолардим. Агар парча ўзбек ёки рус тилида бўлса, ўша тилда келтирас эди. Шу билан бирга адабиётнинг номи, муаллифи, сахифаси, неchanчи нашри эканлиги, босиб чиқарилган санаси ва бошқа маълумотлар ҳам айнан келтириларди. Бу хусусиятлар устознинг ҳақиқий педагог ва тилшунослик илмининг моҳир билимдони эканлигидан далолат берарди.

Аюб Ғуломов ниҳоятда жонкуяр устоз эди. Шогирдлари ёки тадқиқотчилар ёрдам сўраб мурожаат қилса, ҳеч қачон ёрдамини аямаган. Университетни тугатиб, аспрантурага ҳужжат топширганимда, қайси китобларни ўқишим кераклиги ҳақида маслаҳат берди. Ўша вақтларда тилшунослик бўйича адабиётлар кам, борлари ҳам фақат рус тилида, уларнинг топилиши эса муаммо эди. Бир сафар устоз менга Усмон Носир (ўша пайтдаги Шота Руставели) кўчасидаги “Академкитоб” дўконида “Общее языкоzнание” (“Умумий тилшунослик”) деган китоби борлигини, агар сотувчи йўқ деса, “мени профессор Аюб Ғуломов юборди” деб айтишимни тайинлади. У ерга бориб, китоблар ичida устоз айтган китобни кўрмадим. Юрагим “шиф” этиб кетди, тугаб қолибди-да деб, ўйладим. Ҳар эҳтимолга қарши сотувчидан сўраб кўрдим. У “йўқ” деб, жавоб берди. Устознинг тайинлаган гапларини сотувчига айтдим. У ўйланиб туриб, “Сиз унинг аспирантимисиз?” деб сўради. Мен “ҳа” дедим ва у ичкаридан китобни олиб чиқиб берди.

Аюб Ғуломовнинг жонкуярлигига яна бир мисол. Номзодлик диссертациясини ёқлайдиган куним Ихтисослашган кенгаш аъзолари тўлиқ ийғилмади. Ҳимояга қариндош-уругларим, узоқ-яқиндан дўстларим келишган. Ҳимоя бир ойга кечикириладиган бўлди. Шунда илмий раҳбарим, профессор Шавкат Раҳматуллаев Аюб Ғуломовга қўнғироқ қилди. Устоз қон босими кўтарилиб кетганлиги учун ҳимояга келолмаган экан. “Мен борсам, Кенгаш аъзолари тўлиқ бўладими?” деб сўрабди. Илмий раҳбарим “ҳа” дегач,

“Унда мени бор деб, ҳисобланглар. Ҳозир етиб бораман” дебди. Шундай қилиб, ҳимоя бошланиб кетди ва бир оздан кейин Аюб Ғуломов ҳимояга етиб келди. Шу тариқа диссертациямни ўз вақтида ҳимоя қилдим... Бу устознинг олимлик ва инсоний фазилатларири.

Филология фанлари доктори, профессор А. Ғуломов ўзбек тили грамматикаси, сўз ясалиши бўйича жуда кўп қимматли асарлар яратган. Биз унинг “Феъл”, “Сўз ясалиши”, “Морфологияга кириш” сингари монографияларини, “Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис” (ҳаммуалиф М. Асқарова) каби дарсликларини ўқиб, ўзбек тилшунослиги бўйича олган билимларимизнинг пойдеворини қурганмиз. Айниқса, профессор А. Ғуломовнинг “Сўз ясалиши”, “Морфологияга кириш” монографиялари ўзбек тилшунослигига қимматли манба ҳисобланади. Уларда фикрлар содда, жумлалар аниқ ва лўнда, мисоллар ҳаётӣ ифодаланганки, ўқиган ҳар қандай ўқувчи осон тушунади. Олим сўз ясалиши ҳақида шундай дейди: “Сўз ясалиши тилшунослик фанининг айрим бир бўлими, мустақил лингвистик соҳа, тармоқ бўлиб, у сўзларнинг ясалишини, янги сўз ҳосил қилишнинг қонун-қоидаларини, воситаларини, шу билан боғлиқ ҳолда сўзларнинг структурасини текширади. Демак, бу соҳанинг объекти сўздир. Сўзни лексикология ҳам, грамматика ҳам текширади, лекин бу икки хил текшириш бир-биридан маълум белгилар билан ажралиб туради, шунингдек, сўзнинг ясалиши – ҳосил бўлиш томонидан текширилиши ҳам ўз хусусиятларига эга” (“Ўзбек тили грамматикаси”, 1-том. Морфология. – Тошкент: Фан, 1973. –7–8-бетлар). Келтирилган фикрларда сўз ясашда нималарга эътибор бериш кераклиги аниқ кўрсатиб берилган.

Филология фанлари доктори А. Ғуломовнинг профессор М. Асқарова билан ҳаммуалифликда яратган “Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис” дарслиги узоқ йиллар олий таълим муассасалари филология факультетларида асосий дарслик сифатида ўқитиб келинди. Дарсликдаги содда ва қўшма гаплар, уларнинг таснифлари, айниқса, эргаш гапли қўшма гапларнинг 14 тури ҳақидаги маълумотлар ўзбек тили синтаксиси бўйича энг янги фикрлар эди. Ҳозир ҳам ўзбек тилида гапларнинг тузилиши мана шу таснифлар асосида ўрганилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, филология фанлари доктори, профессор Аюб Ғуломовнинг илмий меросидан тилшунослик соҳасида изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар, ўзбек филологияси йўналишида таълим олаётган талабалар ҳамон унумли фойдаланишади. Бу эса устознинг ўзбек тилшунослиги бўйича яратган асарлари, ёзган илмий мақолаларида илгари сурилган назарий фикрлар ҳамон долзарблигин йўқотмаганлигидан далолат

беради. Келгусида устознинг асарлари жамланиб нашр этилса, ўзбек тилшунослиги илмидаги янги тадқиқотлар, яратиладиган янги илмий асарлар учун муҳим фундаментал манба бўлиб хизмат қиласи.

Устознинг руҳи ҳам шод бўлади.

Саодат СУЛТОНСАИДОВА,
филология фанлари номзоди, доцент
ЎзДЖТУ